O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 9 июль, шанба • № 55 (11.754) • Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг 14 йиллиги

# РИЗҚИМИЗ БУТУН, ИСТИҚБОЛИМИЗ ЁРУҒ

**Болалигимда «Хўб ажойиб юртимиз бор...» деб бошланувчи қўшиқни кўп бора эшитганман. Эл аро роса машҳур эди бу қўшиқ. Чиндан ҳам, хўб ажойиб юртимиз бор. Аммо халқимиз ўзининг буюк ва азалий орзуси — миллий мустақиллигини қўлга киритгунга қадар, хўб ажойиб юртимизнинг беқиёс имкониятлари, беназир неъматларини фақат тилда куйлашга ўргангандик, амалда эса улардан бутунлай мосуво эдик... Бугун мустақиллигимизнинг 14 йиллик довонидан туриб, ҳар биримиз ҳар куни, ҳар лаҳзада туйиб, ҳис қилиб, баҳра олаётган ютуқларимизни ҳар қанча тараннум этсак ярашади.**

### ИСТИҚЛОЛ БИЛАН ТЕНГДОШ

Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, аҳолининг юксак даражада турмуш кечиришига эришиш, оддий меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ижтимоий-иқтисодий, аграр соҳада бошланган ислоҳотларни жадаллаштириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Хусусан, айни вақтда жадал ривожланиш йўлини босиб ўтаётган фермерлик ҳаракатини мамлакатимизда мустақиллик инъом этган энг катта имкониятлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Юртбошимизнинг 1991 йилдаги «Республика деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва бу ҳақдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан мамлакатимизда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга киришилди. Ҳаракатнинг ҳуқуқий асослари бирин-кетин амалга киритилган меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ яратилди.

Бу беқиёс имкониятлар яқиндагина колхоз ва совхозларда елкасини офтоб куйдириб, куну тун ер тимдалаб меҳнат қилган, пешона тери эвазига муносиб рўшнолик кўрмаган, бошқача қилиб айтганда, косаси оқармаган минглаб деҳқонлар ҳаётини, турмуш тарзини тамомила ўзгартириб юборди. Тирикчилик тошдан қаттиқ тус олган ўша даврларда нима қилиб бўлса ҳам рўзғор тебратиш илинжида ҳар мақомга йўрғалаб, беҳуда кун ўтказаётганлар, энди замон ҳам, унинг талаби ҳам ўзгариб бораётганини теран ҳис қила бошладилар. Меҳнат кишиларининг онгу шуурида мулкка бўлган янгича муносабатлар шаклланa борди. Содда қилиб айтганда, чинакам мулк эгаси саналган бугунги фермер, аввалги колхозчи ёки оддий деҳқон эмас, у ҳақиқий замон кишиси, ризқи бутун, истиқболи баланд мультимиллионер. У изланувчан ва интилувчан, ташаббускор ва ишбилармон, унинг тафаккур тарзи ҳам бўлак. Ерга, мулкка, маҳсулотга эгалик ҳисси уни мушоҳадали қилиб қўйган. Қисқаси, фермер далада деҳқон, шартнома устида тадбиркор, банк ва солиқ идорасида молиячи, хўжаликда иш юритувчи, жамоада раҳбар.

### РАҚАМЛАРДАН ДАЛИЛЛАР

Яқинда республика фермерларининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда жамиятнинг янги мулкдорларининг умумий фаолият йўлларига чуқур назар солинди, ютуқлар борасида жўшиб сўзланди, илғорлар тажрибаси ўртага ташланди, янги ҳамкорлик режалари белгиланди, юзага қалқиб чиқаётган баъзи иллатлар, эркин фаолият теграсидаги бир қатор муаммолар ҳақида ҳам рўй-рост гапирилди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимиз фермерлари ўзига хос зафарли йўлни босиб ўтдилар. Кейинги йилларда фермерлик ҳаракати мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Иш юритишнинг янги, замонавий асослари ишлаб чиқилди, жаҳондаги илғор тажрибалар амалиётга татбиқ этилди.

Қуйидаги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёзиб, шиддат билан юксалиб бораётганига амин бўламиз. Чунончи, республикамизда қайд этилган фермерлар сони 1998 йил 23 мингтани ташкил этган бўлса, айни пайтга келиб, улар сафи 117 мингтадан ошди. Бу давр мобайнида мулкдорларга берилган ер майдони 446 минг 500 гектардан 2935 минг 300 гектарга етди. Кейинги беш йил ичида жами 1159 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида 54522 та мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 1998 йилдаги 9,5 фоиздан 2004 йилда 24,1 фоизга кўтарилди. Республикамизда пахтанинг 54, доннинг 65, картошканинг 96, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 84, гўшт ва сутнинг 97, тухумнинг 65 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари улушига тўғри келмоқда.

Фермер хўжаликларининг сони ҳам, имконияти ҳам ортиб бормоқда. 2007 йилга бориб, умумий қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 63, суғориладиган ерларнинг 72 фоизидан ортиғи фермерлар тасарруфига ўтиши кўзда тутилган.

### БИЗНИНГ МУЛКДОРЛАР

Бугун фермер бўлишни орзу қилмаган дала меҳнатчиси бўлмаса керак. Боиси, яратилаётган имконият ҳамда шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб мулк эгасига айланган, шу тариқа моддий манфаатдорлиги ошиб, ўз эҳтиёжларини ҳар томонлама қаноатлантираётганлар жамиятда аллақачон ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб олдилар.

Бугун вилоятимизда 8284 та фермер хўжаликлари самарали фаолият юритмоқда. Улар сони 2001 йилда 4073 тани, фермерларга бириктирилган умумий ер майдонлари эса, 61128 гектарни ташкил этарди. Кейинги учтўрт йил ичида мулкдорлар сонининг кескин ошиши натижасида уларнинг тасарруфидаги ерлар ҳажми 151575 гектарга етди.

Вилоятимиз фермерларининг 6667 нафари деҳқончилик, 821 таси боғдорчилик ва 796 таси чорвачиликка ихтисослашган. Бу йилнинг ўзида зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида қўшимча 419 та фермер хўжаликлари барпо этилди. 21 минг гектардан ошиқ

(Давоми 2-бетда).

# ФАРҒОНА АЁЛЛАРИНИНГ АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУР ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар, кайвони момолар, мунис оналар, дилбар опа-сингиллар!

Азал-азалдан Шарқда Она, Аёл буюк эҳтиромга сазовор бўлиб келган. Чунки у бунёдкор, яратувчи, авлодларнинг олтин шажарасини боғловчи муқаддас ришта. У бутун инсониятнинг беназир тарбиячисидир. Ватан деганда онани англайдилар. Бу қиёсда буюк бир ҳақиқат борки, Она Ватан каби муқаддас, Ватан Она каби азизу мукаррамдир!

Яратувчимиз онанинг жисму жонига шундай бир қудратни жо айлаб қўйганки, унинг меҳридан бутун олам мунаввар, қаҳридан эса жами ёвузликлар, қабоҳатлар куйиб кул бўлғусидир.

Аёлни она табиат фақат эзгулик, бунёдкорлик учун яратган. Аёли бор уйнинг чироғи ўчмайди, аёл улуғланган жамият фақат тараққиёт сари боради, деб бежиз айтмайдилар. Бугун Она Ўзбекистонимиз айнан ана шу йўлдан бораётгани ҳаммамизга аён. Лекин ўзи танлаган мустақил, барқарор йўлдан бораётган мамлакатимиз тараққиёти айрим ғаразгўй бадкирдорларга хуш келмаётганга ўхшайди – шу боис улар бизнинг дадил йўлимизга ғов ташлаш пайига тушиб қолдилар. Андижон воқеалари ана шу ёвуз ниятни фош қилиб қўйди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг жасорати, халқимизни энг қалтис вазиятдан олиб чиқиш борасидаги салоҳияти, ақлидроки, халқимиз, Андижон аҳлининг она-юртга садоқати туфайлигина ғанимлар ўз ниятларига эриша олмадилар, юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олди олинди. Аммо бир қатор бегуноҳ одамларнинг ҳам қони тўкилди. Бу қонлар хорижда туриб айрим фарзандларни ўз ота-онасига қарши қайраганларни, арзимаган чойчақага сотилиб ўз юртининг тинчини бузган, ғаламис ватанфурушларни бир кун келиб албатта тутиши муқаррардир!

**Муҳтарама оналар, қадрли опа-сингиллар!**

Бўлиб ўтган воқеаларга теран нигоҳ билан қарар эканмиз, тинч ҳаётимизни кўра олмаётган бузғунчилар домига илинганлар ҳам сизу бизнинг фарзандларимиз эканлиги дилимизни оғритади. Ахир, уларни ҳам биз каби оналар дунёга келтирган эмасми? Айрим фарзандларимиз, муқаддас ислом динини ниқоб қилаётганларнинг қалтис йўлига билиб-билмай қадам босганлари ачинарли ҳолдир. Бу ўринда биз аёллар ҳам бепарволикка йўл қўйганимизни тан олмоғимиз лозим.

Ўйлаб кўрайлик, бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар қайта тикланаётган ўзбекона қадриятларимиз, исломий маърифатимизнинг қайси жиҳатларига тўғри келади ўзи?!

Келинглар, биз оналар ҳам ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам ва ҳеч кимдан кам бўлмаслиги йўлида Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга жону дилимиз, бутун иймонимиз билан қўшилиб, жипслашайлик. Ахир, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган қисқа даврида асрларга татигулик ишлар рўёбга чиқарилмадими?!

Азалий бир ҳақиқат бор - асл ўғлон, ҳақиқий эркак бошига қилич келганда ҳам ўз онасига, синглисига, опасига, демакки, Ватанига хиёнат қилмайди! Бутун оналик, аёллик меҳримизни, маҳоратимизни ана шундай мард эркакларни тарбиялашга бахшида этайлик! Кимларнинг авлодлари эканлигимизни бирор дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Керак бўлса, Ватан шаъни, шавкати учун жонимизни ҳам беришга тайёр фидойилар бўлайлик!

Биз, фарғоналик аёллар ишонч билан, виждонимизни ўртага қўйиб айта оламизки, Ўзбекистонга кўз олайтираётганлар хомтама бўлмасинлар. Ўз тараққиёти йўлидан Президентимиз Ислом Каримов етакчилигида дадил олға бораётган Ўзбекистонимиз, аждодлари анъанасига содиқ қолган ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Келинглар, бундан буён биз оналар - кипригимиз устида асраб-авайлаб ўстирган фарзандларимизнинг адашиб, ғанимлар қўлига тушиб қолишларига асло йўл қўймайлик! Ўзбекистон Алпомишдек алп йигитлар, Ойбарчиндек садоқатли қизлар юрти эканлигидан ҳамиша фахрланиб яшайлик!

# МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН



**Пахтадан юқори ҳосилдорликни кўзлаётган ширкат ва фермер хўжаликларида ҳозир айни иш қизиган пайт.**

Етиштирилажак ҳосил салмоғи кўп жиҳатдан бугунги агротехник тадбирларнинг сифатли, ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Деҳқонлар тили билан айтганда, бугунги ҳар бир кун ҳосил тақдирини ҳал этадиган, унга замин қўйиладиган муҳим палладир.

Хусусан, Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжалиги деҳқонлари ғўза парваришига масъулият билан ёндошмоқдалар. Мутахассисларнинг эътироф этишича, аксарият майдонлардаги экин унуми юқори, ривожи кўнгилдагидек. Таъбир жоиз бўлса, ҳар туп ғўзанинг бақувват, соғлом ривожланиши хўжалик заҳматкашларининг доимий эътиборида.

— Экинга учинчи ишловни бераяпмиз,— дейди хўжалик механизатори Сафар Раҳмонов. — Йигирма йиллик тажриба ва кузатишларимга қараб айтадиган бўлсам, бу йилги ғўза ривожи аввалгиларга нисбатан 15-20 кун олдинда.

***СУРАТЛАРДА:** механизатор Сафар Раҳмонов; экинга ишлов бериш пайти.*

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**



ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## «Орзу» – республикада тенгсиз

**«Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш борасида қатор хайрли тадбирларни амалга оширяпти.**

Ана шулардан бири яқинда ўтказилган «Ёшлар ташаббусини ривожлантириш» кўрик-танловидир.

Паркент туманидаги Заркент қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги «Орзу» ёшлар клуби кўрикнинг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республика танлови йўлланмасини қўлга киритганди. Паркентликлар ҳал қилувчи беллашувларда ҳам ўзларини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллашди. «Заковат» жамғармаси уларни рангли телевизор, «Маҳалла» жамғармаси эса 250 минг сўм пул мукофоти билан тақдирлади.

**Нодира ОРИФХЎЖАЕВА.**

## «Ўзметкомбинат» кўмагида

**Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.**

Ширин шаҳридаги 2-мактабда шу кунларда мукаммал таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бу савобли ишни Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўз зиммасига олди.

Бекобод ва Ширин шаҳарлари бир-бирига яқин. Шу боис корхона раҳбарияти томонидан ушбу таълим масканини таъмирлаш ишларига 163 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи ажратилди. Ҳозирга қадар мактабнинг иситиш тизими таъмирдан чиқарилди. Спорт зали, мажлислар хонаси ва синфхоналар ҳам замон талаблари даражасида таъмирланди.

Қурувчилар мактаб таъмирини 1 августгача тугатишни режалаштирган.

**Д. ЭСОНОВА (ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ УЧУН АХБОРОТИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона шаҳрида қабул қилинган Декларациясида Афғонистон бўйича антитеррор коалициянинг тегишли иштирокчилари ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳудудидаги ерусти инфратузилмаси объектларидан вақтинча фойдаланиш ва ўз ҳарбий контингентларини сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириши зарурлиги қайд этилган. Бу масала оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинаётгани, айрим сиёсатчи ва таҳлилчиларнинг мазкур мавзуда баёнот ва мурожаатлар билан чиқаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни баён этади:

**Биринчидан.** 2001 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ва бу ердаги ҳарбий инфратузилмадан фойдаланиш учун рухсат бериш тўғрисида Битим имзоланган эди. Буни биринчи галда Ўзбекистон томонининг Афғонистон бўйича антитеррор коалициянинг фаол иштирокчиси сифатида, суверен Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига, хавфсизлиги ва барқарорлигига толиблар ҳамда халқаро терроризм кучлари томонидан бўлаётган бевосита таҳдидни бартараф этиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган интилиши тақозо этган эди.

АҚШга «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш учун рухсат берилишидан асосий мақсад Афғонистоннинг мамлакатимизга яқин ҳудудларида жанговар операциялар ўтказиш чоғида қидирув-қутқарув тадбирларини амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун имконият яратишдан иборат эди.

**Иккинчидан.** «Хонобод» аэродроми ҳудудининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига фойдаланиш учун берилиши ва Битим имзоланиши чоғида ҳам, кейинчалик қуролли кучлар контингентининг «Хонобод»да туриш муддатлари муҳокама этилганда ҳам доимо бу масалалар Афғонистон шимолида ҳарбий операциялар ўтказиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган ва ҳал этилган.

Ўзбекистон томони АҚШ қуролли кучлари контингентининг келгусида Ўзбекистон ҳудудида бўлишининг бошқа вариантларини кўриб чиқмаган.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томонининг «Хонобод» аэродромини қўриқлаш, зарур инфратузилма барпо этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги қўшимча харажатларини қоплаш, экологияга етказилган зарар ва аҳолига туғилган ноқулайликлар туфайли компенсация учун АҚШ ҳеч қандай тўловларни амалга оширмаган.

Шунингдек, «Хонобод»дан фойдаланиш бошланган кезлардан охирги пайтгача АҚШ ҳаво кемаларининг аэродром ҳудудида учиб-қўнишини амалга ошириш бўйича ҳам тўловлар бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги АҚШ қуролли кучлари контингентининг «Хонобод» аэродромида келгусида туриши масаласини муҳокама этиш чоғида мана шу принципиал мулоҳазалар асос қилиб олиниши керак, деб ҳисоблайди.

# Изларни йўқотишга уриниш

**БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир. ТОШКЕНТ. (6 июль, РИА «Новости», Абу Али НИЁЗМАТОВ).**

БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Олмаота шаҳрида ҳибсга олинган Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир. Бу ҳақда чоршанба куни Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан РИА «Новости» агентлигига маълум қилинди.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан (МХХ) маълум қилишларича, «4 июль куни Олмаотада қўлга олинган Ўзбекистон фуқароси Лутфулло Шамсутдиновга нисбатан Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Ўта оғир оқибатларга олиб келган террорчилик» ва «Аҳоли орасида саросима уйғотиш мақсадида ахборот тарқатиш» моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган».

МХХ жамоатчилик билан алоқалар бюроси раҳбари Олимжон Тўрақуловнинг сўзларига кўра, «Шамсутдинов республика бўйича қидирувда бўлиб, Саиджаҳон Зайнобитдинов деган бошқа бир «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» билан битта жиноий иш бўйича айбланмоқда».

Шунингдек, мазкур бюро раҳбарининг таъкидлашича, Шамсутдинов ўз оила аъзолари билан 27 май куни Қозоғистонга учиб кетди, деган ахборот ҳақиқатга тўғри келмайди. «Шамсутдинов ва унинг оила аъзолари «Тошкент» аэропортининг чегара назоратидан ўтганлар рўйхатида қайд этилмаган», деди О. Тўрақулов.

«Бундан ташқари тергов органларида Шамсутдинов ва Зайнобитдинов Андижон шаҳрида фожиали воқеалар содир этилган кунлари олдиндан олинган буюртма бўйича ҳаракат қилганлиги ҳақида далиллар бор», деди бюро раҳбари.

О. Тўрақуловнинг маълум қилишича, «Шамсутдинов ўз «буюртмачиларига» Андижонда рўй бераётган воқеалар тўғрисида хабардор қилиб туриш, шунингдек, воқеа жойидан олдиндан бичиб-тўқилган ёлғон ахборотларни тарқатиш учун керак бўлган».

«Ўзбекистон махсус хизматлари Шамсутдинов оиласи билан Тошкентга ва бу ердан дипломатик номерли автомобилда Қозоғистонга яширинча, ноқонуний олиб чиқиб кетилиши қандай ташкил этилгани тўғрисида инкор қилиб бўлмайдиган далилларга эга», деб қўшимча қилди МХХ бюроси раҳбари.

«Биз қатор оммавий ахборот воситаларида ушбу факт бўйича кўтарилаётган шов-шувларни изларни йўқотишга уриниш, деб ҳисоблаймиз», дея таъкидлади О. Тўрақулов.

